O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 1-aprel • Payshanba • 40 (30.160) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, жорий йил 29 март куни Москва метросида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлгани муносабати билан Россия Федерацияси раҳбарияти ва халқига яна бир бор ҳамдардлик билдирди. Президентимиз Ўзбекистон — Россия муносабатлари ҳақида тўхталар экан, бу муносабатлар кўплаб соҳаларда юксак даражада барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

«Халқларимиз ўртасидаги узоқ тарихга эга анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистонда юксак қадрланади. Ўзбекистон Россия билан икки ва кўп томонлама муносабатларнинг ҳали тўла ва самарали фойдаланилмаётган улкан салоҳиятини ишга солишга доимо тайёр. Шу боис ҳукуматлараро комиссиянинг бу галги мажлисини ҳамкорликнинг икки томон ҳам манфаатдор бўлган стратегик муҳим йўналишларини белгилаш учун яхши имконият, деб биламиз», деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик машинасозлик, энергетика, электротехника ва фармацевтика соҳаларини қамраб олган. Бунда нефть-газ, тоғ-кон ва металлургия саноати устувор йўналиш этиб белгиланган. Телекоммуникация, кимё, қурилиш, тўқимачилик ва сайёҳлик соҳаларида ҳам ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжуд.

Икки томонлама келишувга биноан, истиқболли йўналишларни ўзаро ҳамкорликда ривожлантириш имкониятларини белгилаб берадиган Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссияси фаолият юритмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Сергей Иванов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида давлатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига ташрифига тайёргарликнинг боришига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## Кўргазмали ўқув машғулоти

Тошкент ҳарбий округининг дала ўқув майдонида муддатли ҳарбий хизматни бошлаган аскарларнинг жанговар техника ва қурол-аслаҳа билан танишиш бўйича кўргазмали ўқув машғулоти ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимини мустаҳкамлаш, элюрт тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Қўшинларнинг замонавий қуроллари ва техника, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлари билан, шунингдек, ишончли анжом-аслаҳа ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши, жанговар шайлиги янада ошмоқда. Бунда шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, замонавий қурол ва техникалардан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув машғулоти давомида офицер ва сержантлар томонидан жанговар қуроллар ҳамда ҳарбий техника воситаларидан амалда фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди, кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**


Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган суратлар.

Қишлоқда Наврўз шодиёнаси

➤2

Яна террор содир этилди



➤3

«Қизғалдоқ»нинг қадамлари

➤4

## Ҳукуматлараро комиссия мажлиси

Пойтахтимизда 31 март куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, энергетика, нефть-газ, мудофаа, банкмолия, савдо-саноат, геология, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, авиасозлик, машинасозлик ва гуманитар соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия ҳамраиси Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда, жумладан, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. 2009 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони саккиз юздан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юз элликка яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистондан Россияга транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуна, пахта толаси, қора ва рангли металлар, пластмасса буюмлар ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади.

Мажлисда томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи, авиасаноат, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар каби соҳалардаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари турли йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда, — деди Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Сергей Иванов. — Ўзбекистон Россиянинг ташқи савдо шериклари орасида етакчи ўринда туради. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, 2009 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошди. Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

ЎзХДП ҳаёти



## Ўз-ўзини танқид

*йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади*

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида Президентимиз қўйган вазифалар ҳамда партиянинг сайловолди дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилган ҳаракат дастурини қабул қилиш масаласи муҳокама қилинди.

2-бет ≫

*... бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор».*

Ижтимоий ҳимоя

## Замонавий уйлар эгаларига топширилди

Навоий вилоятида Наврўз байрами кунлари кўплаб оилаларга янги уйларнинг калити топширилди. Нуротанинг 20 нафар чорвадори ҳам яқинда уй тўйлари ўтказишди.

— Жуда қисқа вақт мобайнида қиймати 1 миллиард 200 миллион сўмлик, барча шарт-шароитларга эга йигирмата тўрт хонали уй қуриб ишга туширилди, — дейди акционерлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк»нинг вилоят филиали бошқарувчиси Абдухалил Тўрақулов. — Бунда «Арба» масъулияти чекланган жамият қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Мустақиллик байрамигача вилоятда 410 та ана шундай энг замонавий турар-жой бинолари барпо этилади.

Бу уйлар аҳолига узоқ муддатли лизинг кредити асосида берилмоқда.

**Музаффар ШАРОПОВ**

Боғот, Хива ва Хонқа туманларида ҳам 20 тадан кўркам ва шинам замонавий турар-жойлар қурилиши ниҳоясига етаяпти. Бу уйларнинг бир қисми фойдаланишга топширилди.

Албатта, ҳар қандай уй-жой қурилиши негизида молиявий мадад ётади. Шу мақсадда жойларда «Қишлоқ қурилиш банк» филиаллари янгидан ташкил этилди. Вилоятнинг Хива, Хонқа туманларида банк филиаллари иш бошлади. Замонавий уй-жой эгаси бўлиш учун олдиндан йигирма беш фоиз сармоя тўлашни хоҳловчилар банкларга мурожаат этмоқда. Талабгорлар кўплигини инобатга олиб, банкнинг вилоят минтақавий бўлими икки ўринда минибанк ташкил этди. Биргина Хазорасп туманининг ўзида 50 та замонавий турар-жой қурилиши учун талабгорлардан сармоя қабул қилинди.

Дастурга кўра, вилоятнинг ҳар бир қишлоғида ана шундай муҳташам уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

**Рўзимбой ҲАСАНОВ.**

Пойтахтимизда биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган IV халқаро турнир бўлиб ўтди. Мукофот жамғармаси 20 минг АҚШ долларини ташкил этган бу мусобақа нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Баҳсларда дунёнинг ўн икки давлатидан келган йигирма нафар таниқли гроссмейстерлар дона суришди.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

### Дунё бўйлаб

| | |
|---|---|
| Лондон | 11°C |
| Париж | 10°C |
| Москва | 12°C |
| Мадрид | 14°C |
| Пекин | 15°C |
| Гонконг | 29°C |
| Рим | 18°C |
| Анқара | 15°C |
| Токио | 19°C |
| Стокгольм | 10°C |
| Кейптаун | 26°C |
| Қоҳира | 32°C |
| Гавана | 29°C |
| Вашингтон | 20°C |
| Нью Йорк | 21°C |

### 1 апрель об-ҳавоси

### Юртимизда

| | |
|---|---|
| Тошкент | 23°C |
| Самарқанд | 22°C |
| Нукус | 21°C |
| Қарши | 24°C |
| Урганч | 21°C |
| Навоий | 23°C |
| Фарғона | 20°C |
| Бухоро | 23°C |
| Андижон | 20°C |
| Наманган | 20°C |
| Термиз | 26°C |
| Жиззах | 23°C |
| Сирдарё | 23°C |
| Тошкент вил. | 23°C |

ЎзХДП ҳаёти

# Ўз-ўзини танқид

## *йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назира Матёқубова ўз маърузасида қўйидагиларга эътибор қаратди.**

— Президентимиз қонунлар ижросини қатъий назорат этиш ғоят муҳим масала эканини таъкидлаган эди. Вакиллик органларида турли идора раҳбарларининг қонунлар ижроси юзасидан ахборотларини эшитиш кўпроқ умумий характерга эга бўлиб, кўрилаётган масала бўйича муайян қўмита ёки комиссиянинг позицияси аниқ белгилаб олинмаётгани, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиб тавсия этилган бирон-бир дастур ва ҳужжат қабул қилинмагани танқид қилинди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бундай камчилик ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, шаҳар ва туманлар ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ишига ҳам хосдир. Вакиллик органлари иши депутатлар жон куйдириб ишласа, депутатлик гуруҳлари ташаббус кўрсатсагина самарали бўлади. Хато ва камчиликларни бартараф этишнинг барча чора-тадбирларини қўллаган ҳолда, фаолиятимизни жонлантиришимиз керак. Партиянинг ҳар бир шаҳар ва туман кенгаши қошида фаоллардан иборат махсус гуруҳлар тузиб, электорат билан ишлашнинг замонавий усуллари, сиёсий технологияларидан оқилона фойдаланиш зарур.

Тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот-ресурс марказларини мустаҳкамлаш, уларни замонавий компьютерлар, нусха туширадиган ва мультимедиа техникалари билан бойитиш, шаҳар ва туман партия ташкилотларининг интернетда сайтларини ташкил этиш, видео-роликлар орқали электоратимизга, аҳолига партия дастурий ғояларини тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина партиямиз ғояларини жамоатчиликка етказишда, вазифаларимизни амалга оширишда кенг имкониятлар туғилади.

Шунингдек, пленумда ХДП Нукус шаҳар кенгаши раиси Саденбой Нурманов, Маънавият тарғибот маркази раҳбари Шароп Уснатдинов, Республика Жўқорғи Кенгесидаги партиямиз депутатлик гуруҳи раиси Қозоқбой Жонибеков, Беруний туман партия кенгаши раиси Халила Ешимбетов, «Каракалпакстан хауазы» газетаси бош муҳаррири Шарапатдин Аяпов, «Истиқбол» ёшлар қаноти Қорақалпоғистон Республика бўлими раиси Гулмира Узакбергенова, Нукус туманидан партия фаоли Қабул Утепов сўзга чиқиб, партия ташкилотларининг ўтган йилдаги фаолиятига танқидий баҳо беришди. Партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари олдида турган, бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган энг муҳим вазифалар ҳақида фикр юритишди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар, ҳамда Республика партия ташкилотларининг ҳаракат дастури қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мухтасар Абдураҳмонова қатнашди ва кун тартибидаги масала бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Президентимизнинг жорий йил январь ойидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

## Икки минг ёш иштирок этди

Узун ва Сариосиё туманларида «Ҳуқуқий етуклик — баркамолликка элтади» мавзуида ўтказилган тадбирларда 2 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Учрашувлар давомида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшларимиз учун яратилаётган имкониятлар атрофлича тушунтирилди. Ёш авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишида ҳуқуқий саводхонлик муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

— Бугунги учрашув бизда катта таассурот қолдирди, — дейди Шарғун қурилиш касб-ҳунар коллежининг 2-босқич талабаси Чарос Ўринова. — Бола ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро ҳужжатлар моҳияти, фуқароларнинг мурожаат қилиш тартиби, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, солиқларнинг давлат ва жамият ривожидаги аҳамияти ҳақида мутахассислардан батафсил маълумотлар олдик.

Бундай тадбирлар келажагимиз ворисларининг ҳар томонлама етук, билимдон, ҳуқуқий саводхон инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

Мустақиллик йилларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кўп ишлар қилинди.

## Заминни соф сақлаш учун

Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг мелиорацияни яхшилашга қаратилган қарорларидан сўнг изчил, режали тадбирлар амалга оширилди.

Қашқадарё вилоятида ўтган йили шу мақсадга 5 миллиард 365 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфланди. Натижада 103 километрга яқин коллектор тозаланди ва қайта таъмирланди. Жумладан, «Эскианҳорканалқурилиш» МЧЖ қурувчилари Қарши туманидаги «Чўли ота» массивида 20 километр узунликдаги коллекторни қазишди. Нишон туманида 18 километрлик зах қочириш тизими бунёд этилди. Бундан ташқари, туманлараро «Сечанкўл» коллекторининг қўшимча 5 километри қазиб, фойдаланишга топширилди. «Қарши» магистрал каналининг «ГД» коллектори билан кесишган жойида 503 миллион сўм миқдоридаги иш бажарилди. Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ботир Раҳимовнинг айтишича, бу ишлар воҳада кенг кўламда давом эттирилаяпти. Шу мақсадда 15 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

**Юнус УЗОҚОВ**

## Янги уйларга ярашади

Андижон шаҳридаги «Андижон йиғма бетон» масъулияти чекланган жамият ҳар хил турдаги безакли деворлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Масъулияти чекланган жамият жамоаси март ойида 342 жуфт сифатли маҳсулотни харидорларга етказиб берди. Бунинг учун Вазир Брянцов, Лочин Топволдиев, Ҳамиджон Ғаниев, Данис Мулатов, Сайдулло Аҳматов, Элдор Содиқов сингари пайвандчи-ю бетончилар астойдил меҳнат қилишди.

Янги уйларнинг ҳовлиси гулли деворлар жамланмаси билан ўралиши иморатнинг кўринишини мукаммаллаштириб қолмай, уларга ўзига хослик бахш этмоқда. Замонавий нақшинкор бетон деворлар пишиқпухталиги билан ажралиб туради.

— Буюртмачиларнинг таклифига кўра ҳар хил декоратив гулли деворлар ишлаб чиқариш билан бирга, уларни ўзимиз ўрнатиб берамиз, — дейди бетончилар бригадаси бошлиғи Гажи Аливалиев. — Малакали усталар билан зарур техникаларни бошқараётган ҳайдовчиларимиз бу ишни рисоладагидек адо этишади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ.**

# Электорат муаммолари

## *ечимини топиш партия ташкилотлари ва депутатларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади*

**ЎзХДП Ҳамза туман кенгаши томонидан электорат муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, электорат вакиллари иштирок этди. Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган фикрлар, улардан келиб чиқадиган вазифалар давра суҳбатининг асосий мавзуси бўлди.**

— ЎзХДПдан сайланган депутатлар фаолиятини кучайтириш, салоҳиятини тўла ишга солишга алоҳида эътибор қаратилаяпти, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Юсуп Қобилов. — Барча саъй-ҳаракатларимиз, депутатлик гуруҳининг ташаббуслари аввало ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилиши зарур. Бу масалада бизнинг асосий вазифамиздан бири бу ижтимоий масалаларга доир қонунлар, Президентимиз Фармон ва қарорларининг жойларда ўз вақтида ва тўла бажарилишини назорат қилишдир. Бунда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг назоратаҳлил фаолияти доирасида мониторинг қилиш яхши самара беради, деб ўйлайман.

— Парламент палаталари қўшма мажлисида Юртбошимиз сиёсий партиялар фаолияти, амалга ошириши зарур бўлган вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтди, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова. — Маърузада сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши кераклиги таъкидланди. Биз бу борадаги ишларни жиддий кучайтириш механизмлари ҳақида ўйлашимиз керак. Сир эмас, баъзи партия ташкилотлари мазкур масалада ҳеч қандай ташаббус кўрсатмаяпти. Бошланғич ташкилотларимиз фаолиятида сусткашликлар оз эмас. Баъзи туман кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари номигагина фаолият кўрсатаётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Партиямиздан сайланган халқ депутатлари, шаҳар Кенгашидаги депутатларимизнинг кўпчилиги ўз ҳудудларидаги аҳолини ташвишлантираётган муаммолардан бехабарлигини аччиқ бўлса-да тан олишимиз керак. Бундай ҳолда электоратимиз манфаатларини қандай ҳимоя қила оламиз? Ҳар бир партия фаоли, депутатларимиз бу саволни ўзига бериб, хулоса чиқариб олмоғи зарур.

Депутат Юсуп Қобилов авиасозлар сайлов округидан шаҳар Кенгашига сайланган. Шу боис, маҳаллалардан ташриф буюрган фуқаролар депутатга турли масалалар юзасидан мурожаат қилди.

— Депутатимиздан бир масалада ёрдам сўрамоқчиман, — деди тумандаги 152-мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Шоира Эргашева. — Мактаб ҳовлисининг орқа тарафида кичик майдонча бор. Унга маҳалла аҳолиси фарзандлари ҳам келиб туришади. Шуларни инобатга олган ҳолда бу ерда ёшлар боғини ташкил этсак, ҳам мактаб ўқувчилари, ҳам маҳалла аҳлининг ҳордиқ чиқаришлари учун сўлим маскан бўларди.

— Мен ҳам маҳалла аҳлини ташвишлантираётган бир масалани кўтармоқчиман, — деди Тузель маҳалласида истиқомат қилувчи онахон Иқбол Аъзамова. — Маҳалламиз йўллари ўйдим-чуқур, асфальтлари кўчган. Маҳалла аҳли, қолаверса, автобус ҳайдовчилари ҳам бундан нолишади. Шу масала масъул идоралар олдига қўйилса яхши бўларди.

— Шаҳримиз туманларидаги кўчалар асфальт қилиниши, маҳаллалар ободонлашуви учун ҳукуматимиз томонидан кўплаб ишлар қилинаяпти, — деди мурожаатларга жавобан депутат. — Аммо айрим маҳалла ҳудудларига бу тадбир ҳали етиб бормаган бўлиши мумкин. Мен кўтарилган барча масалаларни аввало ўзим чуқур ўрганаман. Шундан сўнг депутатлик ваколатларимдан фойдаланиб, уларни ечишга, албатта, ҳаракат қиламан.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## «Жомбой жавоҳири» иш бошлади

Лойиҳа қиймати 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармоя эвазига барпо этилган янги қўшма корхонада қурилишда ишлатиладиган кальцид моддаси ишлаб чиқарилади.

— Қўшма корхонани барпо этиш ишлари 8 ой давом этди, — дейди «Жомбой жавоҳири» қўшма корхонаси директори Зайниддин Аҳроров. — Корхонамизда тайёрланадиган 1 микрондан 5 микронгача бўлган кальцидга мамлакатимиз қурилиш, ишлаб чиқариш саноатидаги талаб 1 ойда 17 минг тоннани ташкил этади. Илгари бу хомашё хориждан олиб келинган. Ҳозир ҳар ойда 5 минг тонна кальцид тайёрланмоқда. — Айни кунларда бу ерда 100 нафарга яқин қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Замонавий технология асосида Ургутнинг Омонқўтон тоғларидан келтирилган хомашё қайта ишланиб, қадоқланмоқда.

Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб бир кунда 8 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот ишлаб чиқилади. Корхона маҳсулотларининг 70 фоиздан ортиғи экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Директорнинг айтишича, яна 3 та ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилади. Бунинг учун 15 миллион Евро миқдоридаги хорижий сармоя киритилган. Режадаги ишларнинг барчаси амалга ошса, 2011 йилнинг 1 чорагидан 1 ойда 5 минг тонна, яъни 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кальцид ишлаб чиқарилади. Қўшимча 600 та янги иш ўринлари яратилади.

**Абди ВАЛИ**

## Қишлоқда байрам шодиёнаси

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

**Ҳали юртимизда Наврўз нафаси кезиб юрибди. Маҳаллалар, қишлоқларда байрам тантаналари давом этаяпти. Халқимиз шу муборак кунларга етказганига шукроналар айтиб, сумалак пиширмоқда, сайиллар қилмоқда, кўкламги экин-тикинга уннамоқда. Партиямиз фаоллари, депутатлари ҳам жойларда ана шундай тадбирларни ташкил этишда бош-қош бўлишмоқда.**

Яқинда Янгийўл туманининг Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам катта шодиёна бўлиб ўтди. Ниёзбош маросимлар уйида «Маданият», «Гулбоғ», «Пахта», «Наъмуна», «Иттифоқ», «Гулистон», Ойбек номли маҳаллалар аҳли жам бўлишди.

— Баҳор — байрам фасли, унинг ҳар бир куни қадрли, — дейди Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдунаби Абдуҳакимов. — Ҳудудимиздаги ҳар бир маҳаллада Наврўз ўзига хос тарзда алоҳида-алоҳида нишонланди. Бугун эса шоду хуррамликни биргаликда баҳам кўраяпмиз. Бу байрамга ҳамқишлоғимиз, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Мурод Ортиқалиев бош-қош бўлди. Ҳудудда истиқомат қилаётган 55 нафар кам таъминланган оиланинг фарзандларига совға-саломлар улашилди, моддий ёрдам кўрсатилди.

— Қишлоқларимиз ҳам шаҳарга ўхшаб бормоқда, — дейди «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нормуҳаммад Холтоев. — Кейинги йилларда бу ерда битта касб-ҳунар коллежи, ёшлар клуби, спорт мажмуаси, 2 та тўйхона, шодиёналар мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Бунақа юртга байрамлар ярашади-да...

**Асли КАМОЛ**

Анжуман

## Инқироз сабоқлари: Таҳлил ва хулосалар

Тошкент молия институтида «Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг оқибатларини бартараф қилиш шароитида иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ва унинг Тошкентдаги филиали, Москва гуманитар иқтисодиёти институти билан ҳамкорликда ўтказилди.

Унда МДУ профессори Кайсын Хубиевнинг «Инқироз сабоқлари ва инқироздан кейинги ривожланиш хусусиятлари», Илья Филатовнинг «Инқироз даврида ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни ва инқироздан кейинги ўзгаришларни тадқиқ қилишнинг методологик асослари», Тошкент молия институти профессори Эргаш Акрамовнинг «Бозорга ўтишнинг «Ўзбек модели» тамойиллари — иқтисодий инқирозлардан ҳимоя воситалари» маърузалари тингланди. Шундан кейин конференция қатнашчилари бешта шўъбага бўлинган ҳолда мавзу доирасида фикр-мулоҳазаларни давом эттиришди. Маруза ва мунозараларда Ўзбекистон иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаётган, жаҳон ҳамжамияти томонидан «Ўзбек модели» ўзига хос тараққиёт йўли сифатида алоҳида эътироф этилаётгани ва ундан тегишли хулосалар чиқариш кераклиги таъкидланди.

Анжуманда олий таълим муассасаларининг раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Мамлакатимиз гигант корхоналари

# Кальцийлаштирилган сода

## *унга хорижда талаб катта*

«Қўнғирот сода заводи» Марказий Осиёда ягона унитар корхона саналади. Мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимизда маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади. Ўтган йили мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган кальцийлаштирилган соданинг экспорт ҳажми режага нисбатан қарийб 5 баробарга ўсди. Жорий йилда бу борадаги режа 30 минг тоннани ташкил этади ва маҳсулотлар асосан МДҲ мамлакатларига етказилиб берилади.

— Ички бозордаги бизнинг асосий истеъмолчиларимиз «Кварц», «Асл ойна», «Урганчёғ», Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Навоий конметаллургия комбинати, — дейди корхона бош директори вазифасини бажарувчи, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абат Рамбергенов. — Биз бугун республикамизнинг кальцийлаштирилган содага бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаб қолмай, хорижга ҳам маҳсулот чиқараяпмиз.

Ўтган 2009 йилда жами 76 минг тоннадан кўпроқ кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 108,1 фоизни ташкил этди. Жорий йилда эса жамоамиз 90 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун меҳнат қиляпти.

Президентимизнинг Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастури тўғрисидаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида корхонада маҳсулот таннархини камайтиришга эътибор қаратилмоқда. Унга кўра, 2009 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ўртача 5,1 миллиард сўмга камайтириш кутилган эди. Амалда эса бу кўрсаткич 6,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда завод маҳсулотларига хорижда талаб



ошиб бормоқда. Натижада 2009 йилда 31.203 тонна, яъни 5,54 миллион АҚШ доллари миқдорида кальцийлаштирилган сода хорижга экспорт қилинди.

Корхона ишчиларининг 80 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бинобарин, Баркамол авлод йилида маъмурият уларни турар-жой билан таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 18 хонадонли уйни фойдаланишга топшириш ниятида. Шунингдек, ишчи ходимларни соғломлаштириш ва моддий рағбатлантириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари кўриляпти. Жумладан, Элобод қўрғони ҳудудида жойлашган болалар боғчаси, мактаб, кимё-технология колежи, Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртқи бўлимининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Айни пайтда, Элобод қўрғони аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, сувнинг сифатини яхшилаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Маълумки, 2009 йилнинг 20-26 октябрь кунларида Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида ички истеъмолчилар билан 23,1 миллиард сўмлик, экспорт бўйича эса қиймати 2,6 миллион АҚШ долларга тенг шартномалар тузилди.

Шунингдек, Тошкент кимё-технология институти ва «Ўзкимёсаноатлойиҳа» лойиҳалаш идораси билан янги маҳсулот турларини ўзлаштириш юзасидан тадқиқот ишлари амалга оширилаяпти. Жорий йилда яна 3 та янги маҳсулот тури ишлаб чиқаришга жорий этилади, бу — 31 янги иш ўрни, демакдир.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Огоҳлик — давр талаби

Интернет манбаларида қайд этилишича, 29 март эрта тонгда — соат 7 дан 52 дақиқа ўтганда, яъни энг тиқилинч ҳаракат пайтида Москва метросининг «Сокольнический» йўналишидаги «Любянка» бекатида — поезд келиб тўхтаган маҳалда иккинчи вагонда «аёл камикадзе» томонидан портлаш амалга оширилди. Аниқланишича, портлаш қуввати 4 килограмм тротил эквивалентига тенг бўлган.

# МОСКВА МЕТРОСИДА

## *яна террор содир этилди*

Шундан сўнг соат 8 дан 36 дақиқа ўтганда метронинг ўша йўналишидаги «Парк культуры» бекатида — поезднинг учинчи вагонида ҳам портлаш содир этилди. Бунда ҳам танасига портловчи мосламани яширинча осиб олган аёл ўзини ўзи портлатди. Ушбу портлашнинг қуввати 2 килограмм тротил эквивалентига тенг бўлган.

Содир этилган мазкур иккита террорчилик акти оқибатида 39 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. 84 киши турли даражада тан жароҳати олиб, шифохоналарга ётқизилди.

Бу воқеа дунё ҳамжамиятини жунбушга келтирди. Террор қораланмоқда. Британиянинг «The Times» газетаси Чеченистонда контртеррор операцияси тўхтатилганлиги оқибатида ҳали Шимолий Кавказда жангарилар «уя»си борлигига эътиборни қаратди.

Нашрда таъкидланишича, федерал кучлар томонидан Чеченистонда жангариларга қарши олиб борилган кураш дастлаб яхши самара берди. Контртеррор тадбирларининг тўхтатилиши эса уларга «жон» бағишлади.

«Коммерсант» газетасида талқин қилинишича, Москва метросида террорни содир этганлар Чеченистон ва Ингушетияда яширин фаолият кўрсатган, март ойида Ингушетияда йўқ қилинган Саид Бурятский (Александр Тихомиров) тайёрлаган 30 нафар шаҳиднинг вакиллари бўлиши мумкин. Бу шаҳидларнинг 9 нафари белгиланган жойларда ўзларини портлатиб, «зиммасидаги мажбурият»ни бажарган. Буни Федерал хавфсизлик хизмати манбаларига таяниб «Российская газета» ҳам тасдиқламоқда.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, Россия президенти Дмитрий Медведев терактдан сўнг ўтказган мажлисида Жиноят кодексининг терроризм билан боғлиқ моддасини янада қатъийлаштириш лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталди.

Федерация кенгаши эса терроризм учун ўлим жазосини қўллаш бўйича қонунга тузатиш ва ўзгартишлар тайёрлашга киришди. Федерация кенгашининг ҳуқуқ ва суд масалалари бўйича қўмита раиси Анатолий Лысковнинг айтишича, амалдаги Жиноят кодексининг 205-моддаси омманинг ўлимига олиб келган террор учун умрбод қамоқ жазоси берилишини назарда тутади. Қўмита айнан шу модда қайта малакаланиши тарафдори. Бундан ташқари, кўпчиликнинг ўлимига сабаб бўлган террорчи афв этилмаслиги лозимлиги ҳам қонунийлаштирилади.

Шуни унутмаслик жоизки, Россияда ўлим жазосига эълон қилинган мораторий 1999 йилдан буён амалда. Бу мораторий Конституциявий суд томонидан жорий йилгача белгиланган эди. Аммо ўтган йил ноябрда Олий суд таклифига биноан Конституциявий суд мораторий 2010 йил январдан кейин ҳам амалда бўлишини белгилаган.

Мамлакатда охирги ўлим жазоси 1996 йил августда ижро этилган. 1997 йил апрелда эса Россия ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 6-протоколини имзолаган, бироқ Давлат думаси уни шу кунгача ратификация қилмади.

Россиянинг ҳуқуқий-норматив ҳужжатларида ўлим жазоси олий жазо тури сифатида сақланиб турибди.

Россия Давлат думасининг фуқаролик, жиноий, арбитраж ва процессуал қонунчилик бўйича қўмита раҳбари Павел Крашенинниковнинг таъкидлашича, терроризмга қарши курашда ўлим жазосини жорий этиш эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг жиноятчиликка қарши самарали кураш услубларини ишлаб чиқиш зарур. Негаки, ўлим жазосининг амалда бор ёки йўқлиги ўзини шаҳидликка бағишлаган террорчи учун қизиғи йўқ. У шундоқ ҳам ўлимга рўпара боради.

Лекин ҳар не бўлганда ҳам ўлим жазоси бўлиши лозимлигини кўпчилик маъқулламоқда.

Яна бир гап. Содир этилган террорчилик актидан сўнг Россиянинг барча ҳудудларида хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Айниқса, гидроэлектр станцияларида кучайтирилган қўриқлов тизимига ўтилди. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун техник-муҳандислик назорати амалга оширилмоқда.

«France Presse» АА хабарига қараганда, Нью-Йорк, Минск, Боку ва бошқа бир қатор шаҳарлар метроларида ҳам қўшимча хавфсизлик чоралари белгиланди. Йўловчилар сумкаларини текширишда нафақат замонавий детектор технологиясидан, балки кинология хизматидан ҳам фойдаланиш йўлга қўйилди.

Содир этилган бу ваҳшиёна жиноят жаҳон жамоатчилигидан тегишли хулоса чиқариб, зарур чора-тадбирларни кўришни, огоҳлик барчамизнинг шиоримизга айланишини тақозо этмоқда.

**Алимқул СУЛТОНОВ**
**шарҳлади**

***ФАКТ ВА РАҚАМЛАР:***

Стартегик объект сифатида кучли қўриқлов остида бўлишига қарамай, Москва метросида содир этилган террорлар оқибатида юздан ортиқ одам қурбон бўлган. Умуман, 1996 йилдан буён Москвада террорчилар томонидан 25 та теракт амалга оширилган бўлса, шундан 8 таси айнан метрода содир қилинган.

Метронинг «Измайловская» ва «Первомайская» бекатлари оралиғида биринчи террор ***1977 йил 8 январ***да амалга оширилган.

***1996 йил 11 июн***да «Серпухов» йўналишидаги «Тульская» ва «Нагатинская» бекатлари оралиғида содир этилган портлаш оқибатида 4 киши қурбон бўлган, 12 киши тан жароҳати олган.

***1998 йил 1 январ***да «Третьяковский» бекатида қўлбола портлатиш мосламаси ишга туширилган. Ҳалок бўлганлар йўқ, 3 киши жароҳатланган.

***2000 йил 8 август.*** «Тверская» ва «Пушкинская» бекатларининг чиқиш йўлагида содир этилган террор 7 кишининг умрига зомин бўлган, 53 киши яраланган.

***2001 йил 6 февраль.*** «Белорусская кольцевая» бекатидаги портлаш оқибатида 9 киши яраланган.

***2004 йил 6 февраль.*** «Павелецкая» ва «Автозаводская» бекатлари оралиғида «камикадзе-аёл» ўзини портлатган, 41 киши ҳалок бўлган, 134 киши жароҳатланган.

Янгилик

# Замонавий фильтрлар

## *Шаҳрихонда тайёрланяпти*

«SDK GROUP AND» масъулияти чекланган жамиятида хориждаги «VALENCIA» компанияси билан ҳамкорликда барча турдаги автомобиллар учун ёғ-мой, ёнилғи ва ҳаво фильтрлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эски тўқимачилик фабрикаси ўрнида 3 миллион АҚШ долларига тенг замонавий технологиялар билан жиҳозланган, йилига салкам 4 миллион дона дунё андозалари даражасидаги маҳсулот тайёрловчи янги корхона ташкил топди. Барча қулайликларга эга корхонада юз йигирма нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Лойиҳа қувватига эришилгач, улар сони 350 нафарга етади.

Яқинда янги корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Андижон вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Аҳмаджон Усмонов корхона иш бошлаши билан жамоани қизғин қутлади.

Вилоятда маҳаллийлаштириш Давлат дастурининг бажарилиши Андижоннинг иқтисодий салоҳиятини ошириб, янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

— Янги корхонада ишлаётганимдан хурсандман, — дейди ишчи Асадбек Содиқов. — Замонавий дастгоҳларни бемалол бошқаряпмиз.

— Шаҳрихонликлар билан ҳамкорликда бу корхонанинг фойдаланишга топширилишидан қувондик, — деди «VALENCIA» компаниясининг вакили Янис Зиновьевич Асташенко. — Жамоа сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, ишончни оқлашига аминмиз. Ҳамкорлигимизнинг янада кенгайишига ҳамма асослар бор.

Янги корхонанинг кенг, ёруғ иш жойларига ўрнатилган дастгоҳларда Гулзода Қодирова, Феруза Шоева, Тўйчибой Худойбердиев, Исломбек Аҳмедов сингари ёшлар моҳирлик билан ишлашяпти.

Шаҳрихонда янги корхонанинг ишга тушиши билан асакалик автомобилсозларга бутловчи қисмлар етказиб берувчилар сони яна биттага кўпайди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси Навоий вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази директори Азим Жўраевга акаси **Амин ЖЎРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши ижроия ҳайъати бош ҳисобчи Кимё Туроповага онаси **МУНАВВАР ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Гавҳар Рамановага отаси **Кенжа РАМАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2010 йил — Баркамол авлод йили

# Дори-дармон: қай бири безиён?

Тошкент фармацевтика институти Марказий Осиёда шу йўналишдаги ягона олий таълим муассасидир. Ушбу олий даргоҳда бугун 200 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи талабаларга сабоқ бермоқда.



Ҳамма соҳаларда бўлгани сингари фармацевтикада ҳам янги-янги йўналишлар очилмоқда. Масалан, республикамиз аҳолисига кўрсатиладиган фармацевтик ёрдам хизматини халқаро андозаларга мослаштирадиган кадрлар тайёрлаш мақсадида янги «Саноат фармацияси» йўналиши ташкил топди.

Бугун фармацевтика саноати жаҳон бозорига янги-янги дори воситаларини чиқаряпти. Жумладан, ҳозирги вақтда республикамизда 5000 дан ортиқ дори воситалари Давлат реестирида қайд этилган.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, қатор ривожланган давлатлар амалиётида клиник фармацевт мутахассислар тайёрланаяпти.

Нимага десангиз, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти аниқлашича, дори воситаларининг 25-30 фоизи, антибиотикларнинг салкам 40-50 фоизидан мақсадли фойдаланилмаяпти.

Клиник-фармацевт мутахассислар дори воситаларидан рационал фойдаланиш, бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири, бемор организмидаги турдош касалликлар борлигини ҳисобга олиб, мавжуд кўп минг сонли дорилар «бозори»дан кераклисини танлашда тиббиёт ходимларига амалий ёрдам кўрсатади.

Тошкент фармацевтика институтида ҳам шундай доришунослик бўйича малакали мутахассислар тайёрланаяпти.

**Зухриддин Маматқулов,** ана шундай илмга интилган ёшлардан бири. У фармация менежменти ва иқтисодиёти магистратура мутахассислиги 2-босқич магистранти.

— Ўз олдимга катта мақсад қўйганман, — дейди у. — Магистуратура босқичига ўтгач, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми менежерлик лойиҳасида иштирок этдим ва танловда ғолиб чиққач, шу йўналишдаги курсга қабул қилиндим.

Менежерлик лойиҳасида бизга менежмент - бошқариш, раҳбар, етакчилик илми ўргатилади. Танловда республикамиздаги 66 та институтдан магистрлар иштирок этди, уларнинг 24 нафари курсга қабул қилинди.

Курсда сабоқ олиш билан бирга, ҳозир онкоурологик касалликларда қўлланиладиган дори воситалари самараси, таҳлили мавзусида илмий изланиш олиб боряпман.

Маълумки, дунё аҳолиси, айниқса, эркаклар орасида онкоурологик хасталиклар кўпайиб боряпти. Ер юзидаги иқлим ўзгариши, экологиянинг бузилиши ҳам бунга сабаб бўляпти. Шуни ҳам айтиш жоизки, онкоурологик касалликларга қарши турли хил дори воситалари ишлаб чиқариляпти, тиббиётда қўлланиляпти. Бир қарашда бугун жаҳон бозорида «дорилар пойгаси» кетаётганга ўхшайди.

Хўш, бу дориларнинг ҳаммаси ҳам яхши самара бераяптими? Жаҳон фармацевтика бозоридаги «дорилар уммони»дан қайси дори воситаси кўпроқ самара беради? Қайси бири инсон учун фойдали ва безиён?

— Мен ўз илмий ишимда ана шу мавзуни тадқиқ қиляпман. Масалан, сўнгги уч йил давомида шу касалликларга чалинган беморлар уларнинг дори воситаларига кетган маблағини ўрганган ҳолда, сифатли дори воситаларидан фойдаланиш усулини яратяпмиз, — деб ҳикоясида давом этади у. — Айни пайтда институт маркетинг бўлимининг раҳбариман. Устозларим профессор Ҳикматилла Зайниддинов, Зокиржон Йўлдошев, ҳамда Гулнора Султонова, Восилжон Ҳайдаров каби фидойи олимлардан илм сирларини ўрганяпман, тажриба орттираяпман...

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Янгилик

# «Lufthansa»: Мюнхен — Тошкент парвозлари

«Lufthansa» авиакомпанияси 29 мартдан эътиборан Тошкент — Мюнхен йўналиши бўйича парвозни йўлга қўйди. Германиянинг халқаро авиатранспорт тармоғига йўналган бу қатнов ҳафтасига уч марта амалга оширилади. Парвозлар Швейцариянинг «PrivatAir» авиакомпаниясига тегишли «Боинг 737-800» русумли ҳаво кемаси ёрдамида бажарилади. Бунда йўловчилар эътиборига 24 та бизнес-класс ва 84 та эконом класс ўрни ҳавола этилади.

Айтиш керакки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага келтирган мушкул вазиятга қарамай «Lufthansa» ўз йўловчиларининг хоҳиш-истакларини чуқур ўрганган ҳолда, янгидан-янги қизиқарли йўналишларни ҳамда юксак хизмат кўрсатиш даражасини тақдим этишда давом этмоқда.

— Биз Тошкентга катта умид боғлаганмиз, янги йўналишни мутлақо янги самолёт билан очганимиздан фахрланамиз. Мазкур ҳаво кемасида мижозларимизга ҳамманинг эътиборини қозонган қитъалараро бизнес-классимизнинг барча қулайликларини таклиф қиламиз, — деди «Lufthansa» авиакомпаниясининг Россия ва Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича минтақавий директори Рональд Шульц. — Янги йўналишнинг очилиши Ҳамдўстлик мамлакатларидаги 18 та манзилдан мижозларимизни олиб, жаҳоннинг турли нуқталарига етказиш имконини туғдирди.

**Бизнинг изоҳ:** Мюнхен нафақат кўпчилик сайёҳлар кенг фойдаланиладиган манзил, балки «Lufthansa» авиакомпаниясининг Германия жанубидаги транспорт боғланмаси бўлиб, ўтган йили Европанинг энг яхши аэропорти деб тан олинган. Мюнхен аэропортининг иккинчи терминалида йўловчилар бир рейсдан бошқа рейсга Европанинг бошқа йирик аэропортларидан кўра анча тез ўтишлари мумкин. Бинонинг пухта ўйланган дизайни йўловчилар ўз рейсларига 30 дақиқа ичида чиқиши учун имкон беради.

«Lufthansa» авиакомпанияси МДҲда фаолият кўрсатаётган етакчи хорижий авиакомпания ҳисобланади. Авиакомпания Ҳамдўстлик мамлакатларининг 18 та шаҳридан ҳафтасига 200 дан ортиқ рейсларни таклиф қилаяпти.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Кашфиётлар майдони

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Абдивоси ХАЙДАРОВ олган суратлар.

— Мазкур турнир минтақада йилнинг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланади, — дейди бош ҳакам Булат Асанов (Қозоғистон). — Ёдингизда бўлса, дастлабки турнирда қирғизистонлик Леонид Юртаевга, кейинги мусобақаларда қаторасига икки маротаба россиялик Виталий Цешковскийга тенг келадиган шоҳмотчи топилмаган. Агар ўтган йил билан солиштирадиган бўлсак, бултур иштирокчиларнинг ўн икки нафарини халқаро гроссмейстерлар ташкил этганди. Бу гал эса уларнинг сафи янада кенгайди. Бу эса ҳар бир учрашув кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, баҳсларда жами 117 нафар шоҳмотчи иштирок этган бўлса, уларнинг тенг ярмини ёш ва умидли шоҳмотчилар ташкил этди. 10 ва 12 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги ғолиб ва совриндорлари Ортиқ Неъматов ҳамда Темур Игонинлар катталар билан тенгма-тенг дона суришга ҳаракат қилишди.

— Ўзбек шоҳмотчилари дунё таснифида юқори мавқега эга, — дейди индонезиялик гроссмейстер Ирине Харизме Сукандар. — Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган халқаро турнирда илк маротаба қатнашишим. Шундай йирик мусобақада маҳаллий ўнлаб иқтидорли йигит-қизларнинг таниқли гроссмейстерлар билан басма-бас дона сураётганлигини кўриб, юртингиз шоҳмотчиларининг йирик мусобақаларда қайд этаётган натижалари тасодиф эмаслигига амин бўлдим.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари номи эса охирги куни маълум бўлди. Турнирнинг сўнгги кунида бир хил — 6,5 тадан очко жамғарган Сергей Жигалко (Белорусь) — Максим Туров (Россия), шунингдек, Михаил Мчедлишвили (6 очко, Грузия) — Ринат Жумабоев (6,5, Қозоғистон)лар баҳси масалага ойдинлик киритди. Якунда бу учрашувларда дуранг қайд этилди. Натижада уч пешқадам бир хил — 7 тадан очко жамғаришди. Мусобақа низомига мувафиқ, уларнинг ўзаро коэффицентлари ҳисобга олиниб, россиялик Максим Туров бош соврин соҳиби, деб эълон қилинди. Белоруслик Сергей Жигалко ва қозоғистонлик Ринат Жумабоевлар кейинги ўринларни банд этишди.

**(Ўз мухбиримиз.)**

## Келажак бахтли болаликдан бошланади

# «Қизғалдоқ»нинг қадамлари

Абдурасул ПАРДА олган сурат.

Қамаши туманидаги «Зилола» боғча-мактаб мажмуаси қошида «Қизғалдоқ» болалар фольклор-этнографик ансамбли ташкил этилганига тўққиз йил бўлди. Алёру лапарлар, халқ қўшиқлари орқали бу бадиий жамоанинг ишлари жонланиб кетди. Бир-биридан ширин болажонлар томонидан севиб ижро этилаётган «Кўпкари», «Тўй бола», «Дўмбирам», «Барчиной», «Қамаши ялдласи» каби термалар тезда тилга тушди, ўз мухлисларини топди.

«Қизғалдоқ» болалар фольклор-этнографик ансамбли 2002 йилда «Олтин мерос» жамғармаси томонидан АҚШнинг Нью-Жерси штатида ўтказилган Ўзбекистон санъати ва маданияти кунларида қатнашди. Қамашилик болажонлар ўша йили «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўрик-танловининг «Санъат ғунчалари» йўналишида ғолибликни қўлга киритишди. Қамашилик кичкинтойлар Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилей тантаналарида ҳам муносиб қатнашиб, барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Ансамбль жамоаси репертуаридаги ўнлаб қўшиқлар, ҳужжатли фильмлар ёзилган видеотасмалар Англия, Германия, Туркия каби давлатларга, турли халқаро фестивалларга жўнатилган.

— Ансамблнинг келажаги порлоқ, — дейди туман Халқ таълими бўлими мактабгача таълим муассасалари бош мутахассиси Ойсара Бердиева. — Мана бир неча йилдирки, А.Қодирий номли Тошкент маданият институти фольклоршунослик факультети билан ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз, — дейди мажмуа директори Раъно Маматова. — 1997 йили боғча-мактаб мажмуаси сифатида иш бошладик. Айни пайтда 140 нафар боғча тарбияланувчиси ва 80 нафар 1-4 синф ўқувчисига 20 нафардан зиёд тарбиячи-мураббийлар сабоқ бериб келмоқда. Бундан ташқари, билим масканимизда 2 та синфда машғулотлар рус тилида олиб борилади. Мажмуада ёш авлодимизнинг пухта билим олиши учун барча қулайликлар яратилган. Турли фан тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Спортнинг миллий кураш, шашка, каратэ турлари бўйича ташкил этилган тўгараклар машғулотларида ҳам болажонларимиз доимо фаол иштирок этишади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки боғча-мактабда гулчилик, ўйинчоқлар дўкони фаолият кўрсатмоқда. Мажмуа тарбиячи, педагог-мураббийлари томонидан тайёрланаётган ўйинчоқлар, етиштирилаётган гуллар вилоятдаги болалар боғчалари, мактаб ва бошқа таълим муассасаларига буюртма асосида етказиб берилмоқда. Ўзига хос усулда тикилаётган саҳна либослари тумандаги мактабларга, мактабгача таълим муассасаларига ижарага берилмоқда. Албатта, бундан келаётган даромад мажмуанинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга сарфланмоқда.

Ҳа, «Зилола» боғча-мактаб мажмуаси жамоасининг интилувчанлиги, ижодкорлигини кўриб ҳавасингиз келади. Унинг истеъдодли ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлида ҳаракатлари эса фақат таҳсинга лойиқ.

**Эркин ХОЛБОБО**

# Соғлом оилада соғлом фарзанд туғилади

## *ёки қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳнинг оқибатлари*

Оғриқли мавзу

Қадимдан Шарқ халқлари оилани муқаддас билган. Хонадонда ўғил ёки қиз вояга етгач, муносиб жойга қизини узатиш, ўғлига келин тушириш учун тараддуд бошланади. Қуда-андачилик ришталари боғланишдан олдин ҳар икки томоннинг насл-насабига алоҳида эътибор қаратиш бежиз эмас, албатта. Бундан кўзланган асосий мақсад — барпо этилаётган ёш оилада ақлан ҳам, жисмонан ҳам соғлом фарзандлар дунёга келсин.

2009 йилда Самарқанд вилоятида 33.248 та никоҳ қайд этилган. Бу 2008 йилга нисбатан қарийб 3 мингта кўп, демакдир.

Бир жиҳатдан бу ижобий ҳол саналади, оилаларда шод-хуррамлик. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотга кўра, ҳозирги вақтда 10 минг 742 нафар 16 ёшгача бўлган ногирон болалар рўйхатга олинган. Ўтган йили уларга 69 та ногиронлик аравачалари, 168 та протез ортопедик ускуналар, жами 52 миллион 800 минг сўмлик жиҳозлар тарқатилган. Шунингдек, ногирон болаларга турли ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда, нафақалар ажратиляпти.

Ўйлаб қоласан киши, нега соғлом ота-онадан ногирон фарзанд туғилади?

— Тиббий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ оқибатида ногирон болалар туғилаётгани маълум бўляпти. Улар орасида ақлан заифлик кўп учрайди, — дейди бошқарма бош мутахассиси Илҳом Ваҳобов.

— Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймаслик асосли, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлар идораси вилоят бош имом хатиби муовини Тўлқинҳожи Равшанбеков. — Бунинг ирсий сабаблари бор. Муборак Қуръони Каримнинг «Нисо» сурасида: «Акаука, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳаром» деб ҳукм этилган. Бир уруғдан кўпайган йигит-қизлар оила қуриши наслнинг бузилишига олиб келади.

— Тиббиёт тили билан айтганда, қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳ одам организмидаги ирсий хасталик келтириб чиқарувчи генларни қўзғаб юборади, бу эса дунёга келаётган гўдакни ногиронликка гирифтор этади, — дейди вилоят бош педиатри Нажмиддин Қоржовов.

— Ҳозир Самарқанд шаҳар махсус болалар уйида тарбияланаётган 72 нафар гўдакнинг 41 нафари ногирон, — дейди бош шифокор Маъсуда Соҳибова. — Тўғри, уларнинг тарбияси, ижтимоий муҳитга мослаштириш учун бу муассасаларда барча зарурий шароитлар яратилган. Фақат она меҳри, оила муҳити етишмайди, холос. Айрим қариндош-уруғлар ўртасида яхши ният билан боғланган қуда-андачилик мана шундай аянчли оқибатга олиб келмоқда.

— Бу масалада вилоятдаги 200 мингдан ортиқ нуроний, 1 минг 75 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари, уларнинг диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалар бўйича ўринбосарлари жиддий ўйлаб кўрмоғи зарур, — дейди Республика «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раиси муовини Дупал Носирова. — Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик ҳолларда қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳга аёллар сабабчи бўлаяпти. Чунки, қуда-андачилик, келин ёки куёвнинг насл-насабини суриштириш сингари ўта ҳаётий масалалар билан одатда аёллар шуғулланади. Биз бу фожиадан хулоса чиқариб олишимиз, буни одамларга тушунтириб боришимиз лозим.

— Ўтган йили юзга яқин ҳолатда қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳ бекор қилинган, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бош мутахассиси Фароғат Шокирова. — Шунинг учун бундай никоҳнинг ўз вақтида олдини олиш муҳим.

Ҳар бир ота-она фарзандини оила қуриб, бахтли ҳаёт кечиришини хоҳлайди. Дунёга келадиган гўдак, сиз билан бизнинг зурриёдимиз соғлом ва баркамол бўлиши керак. Буни никоҳдан аввал жиддий ўйлаб кўрган яхши...

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Кўп китоб ўқийдиганлар

Танлов

А. ХАЙДАРОВ олган сурат.

Республика болалар кутубхонасида «Энг фаол китобхон» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танловнинг саралаш босқичларида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 200 га яқин ахборот-ресурс марказининг 10000 нафар китобхони қатнашди.

— Баркамолликнинг биринчи ва муҳим шартларидан бири шубҳасиз китоб ўқишдир, — дейди кутубхона директори Фотима БУХАРОВА. — Бўш вақтида китоб мутолаа қилаётган ёки спорт билан шуғулланаётган бола ҳеч қачон зарарли одатларга ўрганмайди. Ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини чуқур билиш эса фарзандларимизни мустақил фикрлашга ўргатади.

Танловда ўқувчи-ёшларнинг китобхонлик даражаси турли шартлар орқали аниқланди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди. **Навоий вилояти, Нурота туманидаги 1-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Отамурод Ҳамдамов** танловнинг бош мукофотини қўлга киритди.

— Китоб инсоннинг дўсти, маслаҳатгўйи эканлигига яна бир карра ишондим, — дейди у. — Танлов сабаб жуда кўп китобхон дўстлар орттирдим.

**Абдусалим МАҲМУДОВ**

## Биз билган ва билмаган тарих

# Қадим қалъа қолдиқлари топилди

Бу ҳақда Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Гавҳаржон Дурдиева шундай дейди:

— Бир-биридан деярли беш чақирим масофада икки қалъанинг жойлашиши қадим Хоразм меъморчилигида ноёб ҳодиса. Ҳозирча археологлар рамзий тарзда Қўрғонтепа деб номлаган қалъа қолдиқлари тасодифан Янгиобод деб номланган йўлдош шаҳарча ҳудудидан топилди. Тарихий битикларда Хива яқинида жойлашган бирор қалъа ҳақида маълумотлар учрамайди. Демак, бу қалъа Хивадан ҳам қадимий бўлиши мумкин. Бу энди тахмин: балки бирор тарихий эврилиш сабаб ёки табиий ҳодиса — сув тошқини, ер ости сувларининг кўтарилиши натижасида Қўрғонтепада яшаш имкони қолмай, янги қалъа қурилиб шунга бутун шаҳар кўчгандир? Негаки, Хива бу қалъага нисбатан баландликда ва қум саҳросига яқин жойлашган. Агарда тахминимиз тўғри чиқса, қадим қалъанинг ёши янада каттароқ бўлади.

Қадим Хиванинг эгизаги дея тахмин қилинаётган қалъа қолдиқлари ўрнида ўтказиладиган қазишмалар меъморчилик анъаналари ҳақида янги маълумотлар бериши мумкин.

Ўнинчи асрда юртимизга ташриф буюрган араб сайёҳи Ёқут ал- Ҳамавий ўз тарихий эсдаликларида қадим Хоразмга «Ўн минг шаҳарли мамлакат» дея таъриф берган эди.

Қўрғонтепа — шуларнинг бири. Албатта, охиргиси эмас, навбатдаги.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Ҳушёрлик – хавфсизлигимиз гарови

Огоҳлик ва зийраклик, фавқулодда вазиятларни ўз вақтида баҳолаш, энг муҳими, бирор кўнгилсизлик рўй бермай туриб, унинг олдини олиш, профилактик чора-тадбирлар кўриш фуқаро муҳофазаси учун масъул бўлган фидойи инсонларни қолаверса, барчамизнинг бош вазифамиздир.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Сел, кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари» мавзусида ўтказилган матбуот анжумани табиий офатлар хавфини камайтириш борасида олиб борилаётган тадбирларга қаратилди.

Республикамизда юзага келиши мумкин бўлган тошқин, сел, қор кўчишлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнлар кузатилиши мумкин бўлган ҳудудлардаги сув объектлари, бошқа ижтимоий объектлар, кўчки кузатиладиган ҳудудларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилди. Хавфли гидрометрологик ва геологик ҳудудлардаги сел ва тошқин сувлари ўтадиган сойлар, дарёлар, каналлар, коллекторлар ва бошқа объектларнинг техник ҳолати жойига чиқиб ўрганилди.

Жумладан, вилоятларга бириктирилган тошқинга қарши Ҳукумат комиссияси аъзолари ушбу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратмоқда . Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати ва "Ўзгидромет" маркази томонидан берилган маълумотларга кўра, республикамизнинг 8 та вилоятида гидрогеологик ва гидрометеорологик хавфли ҳудудлардан аҳолини кўчириш тадбирлари амалга оширилди.

Хусусан, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида, жами республикамиз бўйича 146 та хўжалик хавфсиз жойларга кўчирилиб, яшаш учун зарур бўлган барча шароитлар яратилди.

Кўчирилган аҳолини доимий яшаш жойларига алоҳида кўрсатма бўлмагунга қадар қайтиб келиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида 52 та кузатув пости ташкил этилган. Айни пайтда вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан уларга доимий яшашлари учун ер ажратиш ва уй-жой қуриш масалаларини ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Сел ва сув тошқини ҳамда кўчки ҳодисалари оқибатида талафот кўрган йўллар, кўприк, сойлар, зовурлар, канал ва ариқларни тозалаш ҳамда қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар — аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**Азамат СУЮНОВ.**

**Газетанинг навбатдаги сони 6 апрель, сешанба куни чиқади.**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
16312 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.50
2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda